

2022 YIL – INSON QADRINI ULUG‘LASH VA FAOL MAHALLA YILI

O‘ZBEKISTON — VATANIM MENING

РАХТАКОР



НАҲОТИ

Paxtakor tumani hokimligi muassisligida nashr etilmoqda

№ 2-3 (5637-5638)

2022 yil 14 YANVAR

PAYSHANBA

Gazeta 1969 yil 1 yanvardan chiqayapti • paxtakorhayoti@yandex.com • (91) 569-59-18 • ISSN 2010-8443 •

Пахтакор тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

2022 йил январ ойининг биринчи ўн беш кунлигида туманни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни кучайтириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши юзасидан барча даражадаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Туманимизда 31 декабрь - 4 январь байрам кунлари ҳамда январь ойининг биринчи ўн беш кунлигида аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш, бозорларда озиқ-овқат ва истеъмол товарлари танқислигига йўл қўймаслик, нарх-навонинг ошиб кетмаслиги, маданий ва кўнгличар тадбирларни хавфсизлик қоидаларига амал қилган ҳолда ташкил этиш, туманни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш корхоналарини доимий ишлашини, коммунал хизматларнинг узлуксиз ва хавфсиз ишлашини таъминлаш, давлат ва туман инвестиция дастурларини белгиланган муддатларда бажариш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туманда 2022 йил январь ойининг биринчи ўн беш кунлигида иқтисодиёт тармоқлари барқарор ишлашини таъминлаш, туманни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни кучайтириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, шунингдек, ижро интизомини мустаҳкамлашга қаратилган манзилли чора-тадбирлар режаси тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимининг ўринбосарлари (Ш.Шодмонов, Р.Маматкулов, Ф.Эшпулатов, Ж.Анорбоев, Ф.Қўлдошев, А.Саломов), туман ҳокимининг ёрдамчилари ва маслаҳатчилари мазкур қарорнинг 1-банди билан тасдиқланган манзилли чора-тадбирлар режасини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, туман ҳокимининг ўринбосарлари, туман ҳокими-

нинг ёрдамчилари ва маслаҳатчилари тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг манзилли чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ҳисоботларини эшитсин.

4. 2022 йил 1-15 январь кунлари барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ш.Шодмонов) бошчилигидаги штаб таркиби тасдиқлансин.

Штаб таркибининг асосий вазифалари қуйидагича этиб белгилансин:

- туман ҳокимлиги, туман сектор раҳбарларининг биринчи ўринбосарлари сектор штабларида куну-тун навбатчилик иш тизимини жорий этиш;
- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муассасаларнинг кучайтирилган тартибда, санитария ва пандемия қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда фаолият юритиш;

(Давоми 2-саҳифада)

8 январь –

мамлакатимизда

Ўзбекистон Республикаси

прокуратура органлари

ходимлари куни

Мустақил Ўзбекистон
прокуратураси 30 ёшда!



Прокуратура органлари ходимларининг касбий байрами сифатида белгиланган кун шу соҳада хизмат қиладиган барча ходимлар, жумладан фахрийлари қалбидagi орзу-умидлар рўёбга чиққан кутлуғ санадир.

Бугун прокуратура органлари ходимлари зиммаларига юклатилган ҳар қандай вазифани бажаришга виждонан, садоқат ва юксак масъулият билан ёндашмоқда десак, ҳеч муболага бўлмайди. Айни дамда, юртимизда ушбу соҳада фаолият олиб бораётган ходимларни касб байрами билан табриклаб, ҳар бир ходими Президентимиз таъкидлаганларидек, олижаноб халқимизнинг ҳақиқий ҳимоячиси, адолат ва қонунийлик посбони бўлиб, фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қилишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

■ 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ – 30 ЁШДА



Х.ҲАКИМОВ,
туман Мудофаа ишлари
бўлими бошлиғи,
подполковник.

1992 йил 14 январдаги Республика Олий Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий тузилмалар мустақил Ўзбекистон тасарруфига ўтказилди. Давлатимиз раҳбари ташаббусига асосан қабул қилинган мазкур ҳужжат армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилишига йўл очди. 1993 йилнинг 29 декабрида 14 январь юртимизда “Ватан ҳимоячилари куни” деб эълон қилинди.

Ўтган давр мобайнида армиямиз жаҳон ҳарбий қурилишининг энг илғор тажрибаларини ўзида мужассам этиб, айна

пайтда миллий жанговар аънавалари-мизни юксак садоқат билан давом эттирмоқда, шу билан бирга, минтақамизда рўй бериш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳарбий ҳаракатлар ва жанговар амалиётлар ҳам ҳар томонлама эътиборга олинмоқда. Ҳарбий ўқув юртимиздаги таълим тизими тубдан ўзгармоқда, уларда бўлгуси офицерларни тайёрлаш ва тарбиялаш ҳозирги замон талабларига тўла мос келадиган, принципиал жиҳатдан мутлақо янги бўлган ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилган. Қуrolли Кучларимиз сафларида, авваломбор, мустақил ва суверен Ўзбекистонимизга хизмат қилиш, унинг манфаатлари ва сарҳадларини, халқимиз-

нинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоя этишга азму қарор қилган мард ва фидойи, интеллектуал жиҳатдан тарбия топган етук кадрлар хизмат қилаёпти.

Амалга оширилган кенг қўламли ислохатлар туфайли юртимиз хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга, аҳоли-мизнинг тинч ва осуда ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай ғаразли ури-нишларнинг олдини олишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, ташкилий жиҳатдан мукамал, замонавий қуrol-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямиз шакллантирилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Пахтакор тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

2022 йил январ ойининг биринчи ўн беш кунлигида туманни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни кучайтириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши юзасидан барча даражадаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми.

Аввали 1-саҳифада).

- қишлоқ хўжалиги соҳасидаги долзарб тадбирларни амалга ошириш;
- жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат кўрсатиш муассасалари фаолиятининг тўхтаб қолишига йўл қўймаслик;
- давлат дастурларига киритилган объектлар қурилишини ўрнатилган тартибда бошлаш;
- янги маҳаллабай ишлаш тизими, ҳоким ёрдамчилари фаолиятини тизимли жорий этиш, йирик маҳаллаларнинг Бош режаларини ишлаб чиқиш;
- туман ҳокимлиги ҳамда секторлар штаблари томонидан ҳар куни соат 19:00 да кунлик вазиятни "онлайн" муҳокама қилиб бориш, юзага келган муаммоларни тезкор ҳал этиш ҳамда Республика

штабига ахборот тақдим этиб бориш.

5. Туман ҳокимининг ўринбосарлари, туман ҳокимининг ёрдамчилари ва маслаҳатчилари зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари, фармойишлари, йиғилиш баёнларида ҳамда Ҳукумат қарорлари, фармойишларида, шунингдек, қонун ҳужжатлари, ижро интизоми мустаҳкамлаш бўйича белгиланган топшириқлар ижросини самарали ва натижали ташкил этиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

6. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Р.Қурбонов)га манзилли чора-тадбирлар режасида белгиланган топшириқлар ижросини доимий мониторинг қилиш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Шодмонов зиммасига юклатилсин.

Пахтакор тумани ҳокими:
Ш.БАБАЕВ.

2022 йил 5 январь № 1-3-52-Q/22

■ 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ – 30 ЁШДА

(Давоми.
Аввали 1-саҳифада).

Бугунги кунда ўқувчи ёшларда ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик каби миллий ғояларнинг асосий йўналишларини шакллантириш, бу таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш аънамага айланиб бормоқда. Ёшларни ҳарбий хизматга кузатиш маросимларини тантанали ўтказиш ҳам ватанпарварлик тизимига киради.



Ватанимиз, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилиш, ҳар бир йигит қизнинг орзуси ва бурчига айланган.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақиллик йилларида Қуролли Кучларимиз салоҳиятини мустаҳкамлаш, замонавийлаштириш ва ислоҳ қилиш йўлида амалга оширилган барча сарф-ҳаракатлар мустақиллигимизни асраб-авайлаш, сарҳадларимиз дахлсизлиги, осмонимиз мусаффолиги ҳамда эл-юртимиз осойишталигини таъминлашга қаратилгани билан

аҳамиятлидир. Масалан ўқувчи-мураббийлар ўқувчиларга ватан ягоналиги, ватан ҳимояси муқаддас бурч эканини тушунтириб борсалар, ўсиб келаётган ёш авлод ватанга садоқат ҳисси билан ўсиб-улғайиб камол топади. Натижада келажак авлодларимиз юрт ҳимояси нақадар улкан вазифамиз эканини қалбдан ҳис қиладилар ва ватанпарвар бўлиб камол топадилар. Мутафаккирлардан бири шундай деган экан: «Ватанпарвар – ўз ватани камолоти йўлида ўз халқига муҳаббати туфайли моли, куч-

ғайрати тугул жонини ҳам аямайдиган, халқи ва ватанининг озодлиги, фаровонлиги учун бор будини фидо қилувчи инсондир». Бундай ватанпарварлари бор юрт эса доимо тинч, осмони мусаффо, халқи аҳил, ризқи мўл, ҳаёти эса фаровон бўлади.

Юртимизда ҳар йили «Ватан ҳимоячилари куни» га бағишлаб турли байрам дастурлари, кўрик-танловлар, давра суҳбатлари, мусобақалар ўтказилади ва ўз Ватанига чин садоқат билан хизмат қилиб келаётган бир қатор ҳарбийларимиз юксак давлат мукофотлари билан тақдирланади. Бундай дастурлар Ватанимиз ҳимоячиларини рағбатлантиришга хизмат қилибгина қолмай, атрофдаги ёшларга ватанга меҳр-муҳаббат, ватанимиз ҳимоячиларига нисбатан юксак эҳтиром туйғуларини шаклланиб боришига ёрдам беради ва бўлажак Ватан ҳимоячилари маънавиятларини юқори даражага кўтариб, жисмонан бақувват, ақлан етук, сергак бўлиб камолотга етишишларида катта аҳамият касб этади.

■ Маданий-маърифий тадбир

АРМИЯ ВА ХАЛҚ ЯҚДИЛЛИГИ



Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқарога ва ҳар бир оилага Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўрни ва аҳамияти ҳақида тушунтириш, маънавиятли ва фидойи, аждодларимизнинг бебаҳо меросига таяниб яшайдиган баркамол шахс – бўлажак Ватан ҳимоячиларини тарбиялаш, уларнинг дунёқараши, манتيқий, ижодий ва таҳлилий фикрлаш доирасини кенгайтириш, она Ватан тақдири учун юксак масъулият ва жавобгарлик каби муҳим хусусиятларни янада мустаҳкамлаш каби олижаноб мақсад билан бошланган «Ватанпарварлик» ойлиги доирасида 6-сонли Давлат мактабгача таълим ташкилотида ҳам маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Лойиҳа асосида «Ватан муқаддас, уни ҳимоя қилиш – шарафли бурч» шиори остида ташкилотимизда бўлиб ўтган тадбирда катта «Мактабгача тайёрлов» ҳамда қисқа муддатли гуруҳда тарбияланувчи З.Исмоилова, М.Зоирова, О.Зиёдуллаева, З.Темурбоева, Д.Исомиддинов, Н.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Р.Умарова ва Ж.Асроровалар ўзларининг жонажон она Ватанимиз ва фидойи ҳарбий хизматчилар шарафига

бағишланган қўшиқ ва рақслари билан фаол иштирок этишди.

Албатта, бу каби тадбирлар армия ва халқ яқдиллигини мустаҳкамлаш ҳамда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларнинг қалбида шижоат ва мардлик туйғуларини уйғотишда муҳим аҳамият касб этади.

М.МУСАЕВА,
6-сонли Давлат мактабгача таълим ташкилотининг директори.

■ Ёшлар билан учрашувда

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ, ШАЪНИ МУҚАДДАС



Туманимиздаги «Буюк ипак йўли» қишлоқ фуқаролари йиғини биносида 1-сектор мутасаддиларининг ёшлар билан учрашуви ўтказилди.

Туман ҳокимининг ўринбосарлари, туман бандликка кўмаклашиш марказининг масъуллари ҳамда қишлоқ фуқаролари йиғини вакиллари иштирокида бўлиб ўтган тадбирда ёшлар томонидан турли масалалар юзасидан келиб тушган 14 та мурожаатнинг 6 таси жойининг ўзида ҳал этилди. 3 та мурожаат эгасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Қолган 5 та мурожаат бўйича тегишли соҳа маъсулларига топшириқлар берилди ва ижроси назоратга олинди.

Ўз мухбиримиздан.

3-сектор фаолиятида



ТАЖРИБАЛАРИ БИЛАН ЎРТОҚЛАШДИЛАР

Туман ички ишлар бўлими масъуллари ташаббуси билан бир гуруҳ ҳамюртларимизнинг Шароф Рашидов туманида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳати ташкил этилди.



Асосий эътибор доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва ишсиз аҳолининг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг қизиқишларини ўрганиш орқали уларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўргатиш, кооперация асосида тадбиркорлик билан мустақил шуғулланиш тажрибасига эга бўлмаган фуқароларни тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган етакчи тадбиркорларнинг иш тажрибаси билан яқиндан таништириш орқали аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, уруғчилик, кўчатчилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйишга кўмаклашишга қаратилди.

Анжуман иштирокчилари "Gold fish agro eksport" балиқчилик кластерига қарашли балиқ махсулотларини қайта ишлаш цехи фаолияти билан яқиндан



танишиб, балиқ етиштириш усуллари ҳақидаги бирламчи таассуротга эга бўлдилар. Шунингдек, улар парранда-




чилик, чорвачилик ҳамда гулчилик билан шуғулланиш натижасида ўзининг оилавий даромадини йўлга қўйган

тадбиркорларнинг иш тажрибалари билан ҳам ўртоқлашдилар. **Ўз мухбиримиздан.**

Туман мактабгача таълим ташкилотларида

Туманимизда жами 92 та мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлиб, шундан 13 таси давлат, 3 та давлат-хусусий шерикчилиги асосида, 76 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолият юритиб келмоқда. Худудимизда 3-7 ёшли болалар сони 6401 нафарни ташкил этади. Шулардан 3006 нафари давлат таълим ташкилотига, 162 нафари давлат-хусусий шерикчилик, 1900 нафари оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотига қамраб олинган. Бу кўрсаткич жами 79,1 фоизни ташкил этади.

БОР МЕҲР-У МУҲАББАТ-СЕНГА БОЛАЖОН!



13 январь куни "Пахтакор" маҳалла фуқаролари йиғини ҳудудида 7-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти-нинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда туман ҳокимининг ўринбосари Фазлиддин Қўлдошев сўзга чиқиб, таълим масканининг очилиши муносабати билан иштирокчиларни чин дилдан қутлади. Юртимизда мак-



табгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларини давлат томонидан бошқаришнинг самарали тизимини яратиш ҳамда унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилаётгани тўғрисида гапириб ўтди.

Шундай ажойиб масканда қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириб, фойдаланишга топширилишида фидоийлик кўрсатган Шухрат Юлдашев раҳбарлигидаги "Жиззах қурилиш зийнати" масъуляти чекланган жамиятининг моҳир усталари, қўли гул қурувчиларига туман ҳокимлиги ва жамоа номидан миннатдорчилик билдирди.

- Бугун фойдаланишга топширилаётган ушбу таълим маскани давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг келажагимиз эгалари бўлмиш болажонлар ва уларнинг келажагига бўлган чексиз

меҳр-муҳаббатнинг амалдаги ёрқин ифодасидир,- деди нотиқ ўз сўзида.

Энди бир-бирдан чиройли, замонавий мебеллар билан жиҳозланган кенг ва кўркам хоналар, ёзги ва қишки ўйин майдончалари, энг замонавий қулайликларга эга файзли ошхона ширинтойларнинг доимий хизматида бўлади.

Тадбирда иштирок этган туман бош прокурори ёрдамчиси, лейтенант Жаҳонгир Абдуғаниев тажрибали раҳбар Феруза Абдуқодирова бошчилигидаги жамоанинг барча аъзоларига ўзларига юклатилган вазифани сидқидилдан адо этиб, қутлуғ масканда тарбия олаётган болажонларни халқпарвар, она Ватанига садоқат руҳида тарбиялашларида муваффақиятлар тилади.

"Пахтакор ҳаёти" газетасининг фотомуҳбири Ш.МАМИРОВ.



Мардлар қўриқлайди Ватанни

Юртимизда Ватан ҳимояси каби улуғвор ишга ўзини бағишлаган ҳарбийларимиз катта ҳурмат ва эъзоз билан қадрланиб, ҳар йили “14 январь – Ватан ҳимоячилари куни” катта байрам ва шодиёна билан ўтказилади.



ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС

Бу каби эътибор ва эътироф масъулиятли касб эгаларининг Ватан олдидаги хизматларини юқори баҳоланишини намоён этиб, уларнинг келгусидаги фаолиятига ҳам куч-қувват, шижоат ва албатта садоқат бағишлайди.

Маълумки, 1993 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг Қонунига биноан “14 январь – Ватан ҳимоячилари куни” деб эълон қилинди. Бу куни эса мамлакатимизда фақатгина ҳарбийларимизгина эмас, балки барча юртдошларимиз ҳам тинчлик ва осойишталик байрами куни сифатида кенг нишонлашади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Армия ва халқ – бир тану бир жон!” деган олижаноб ғоя ва амалий ҳаракат барча бўғиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари фаолиятини, кенг жамоатчилик ҳаётини қамраб олмоқда. Бу эса Ватан ҳимояси чиндан ҳам барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки шарафли бурчимизга айланиб бораётганидан яққол далолат беради” деб айтган гапларида ҳам Қуролли Кучларимизнинг халқ билан ҳар қачонгидан ҳам яқинлигини англашимиз мумкин.

Шунингдек, ҳар бир кишининг туғилганда киндик қони тўкилган ер

унинг Ватани ҳисобланилади. Мана шу Ватанини асраб-ардоқлаш, ҳимоя қилиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Ахир доноларимиз бекорга айтишмаганку: Туғилган ердан кўнгил узилмас, Юрт қўриганнинг юрти бузилмас. Юртда ватанни севадиган, ардоқлайдиган ва ҳимоя қиладиган мардлар бор экан шу юрт доимо юксалаверади, гуллаверади. Ҳар бир эл, ҳар бир миллат учун ўзининг туғилиб ўсган ватанидан ардоқлироқ маскан бўлмаса керак. Чунки, инсон дунё юзини кўргач биринчи бўлиб шу Ватан ҳавосидан нафас олади, Ватан тупроғида илк қадамларини қўйиб, юришни ўрганади, дунёни танишни ҳам шу ватанни англашдан бошлайди. Илк киндик қони тўкилган, дастлабки қадамларини қўйган тупроқни ҳимоя қилиш эса барчамизнинг Ватан олдидаги муқаддас инсонийлик бурчимиздир.

Мухтасар қилиб айтганда, тинчлик бор жойга байрамлар ярашади, шунинг учун жаннатмакон диёримизда ушбу тинчликни таъминлаб келаётган ҳарбий хизматчиларни яна бир бор ушбу байрам билан муборакбод этиб, уларга сизмат-саломатлик, оилавий бахт ва албатта масъулиятли хизматларида куч-қувват тилаб қоламиз.


Лола МИРЗАЕВА,
11-умумтаълим мактабининг
маданий в ижодий масалалар
бўйича тарғиботчиси.

Ватан остонадан бошланади

ФАХРИМИЗ, ИФТИХОРИМИЗ

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган “Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунга биноан Ватан ҳимоячилари кунини мамлакатимизда миллий байрам сифатида катта тантана билан нишонлаш ўзига ҳос анъанага айланган.

Бунинг ўзгача аҳамияти бор, албатта. Сиз-у бизнинг бугунгидек тинч, хотир-жам ҳаётимиз Қуролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда ҳимоя қилинмоқдаки, мана шундай масъулиятли бурчни сидикидидан адо этаётган, тараққиётимиз барқарорлигига камарбаста бўлаётган ўғлонларимизни ҳар қанча эъзозласак, кўкка кўтарсак, арзийди. Ана шундай фидойи фарзандларимиз бор экан, эртанги кунга ишончимиз ҳам юксалиб бораверади. Зеро, мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек: **Биз баҳодир ва довирак ҳарбийларимиз билан – ўзининг муқаддас қасамдига содиқ қолиб, хизмат бурчини ерда ҳам, кўкда ҳам шараф ила адо**



“Ватан – остонадан бошланади” шиори остида тантанали нишонланди.

Тадбирда таълим ташкилотининг катта гуруҳ тарбияланувчиларидан Эсанова Шаҳриза, Бойсариев Аслбек, Ҳакимов Достон, Жангиров Билолбек, Содикжонов Норбекларнинг она Ватанимизни шарафловчи шеър ва қўшиқлари жажжи иштирокчиларнинг қалбига байрамона кайфият бағишлади.

Айни дамда, мамлакатимизда ҳукм сураётган пандемия чекловларига амал қилинган ҳолда фақат таълим масканда тарбияланувчи болажонлар иштирокида бўлиб ўтган тантанада ташкилотимизнинг Лапасбоева Одина, Авалбеков Амирхон, Сулейманов Амир, Қаҳҳоров Шарофиддин, Тўлқонов Русланлардан иборат кичик гуруҳ тарбияланувчиларининг ҳарбий кийимлардаги чиқишларини ҳам болажонлар хурсандчилик билан олқишлаб турди.

С.СОТТИЕВА,
Ў.ҚУРАМАТОВА,
2-сонли мактабгача таълим
ташкilotининг тарбиячилари.



этаётган юртимизнинг забардаст ўғлонлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Жорий йилнинг 13 январь куни Клара Узоқова раҳбарлигидаги 280 нафарга яқин болажонлар тарбияланаётган 2-сонли мактабгача таълим ташкilotимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 30 йиллиги

Обод қишлоқнинг обод йўли

Нурафшон манзиллар, юксак мақсадларимиз сари элтувчи йўллар ҳамиша бизга ҳамроҳдир. Кенг, раvon, шишадек силлиқ йўллар манзилимизни яқин, кўнглимизни чарогон қилади. Юртимизда энг сўнгги технологик ютуқларни ўзида мужассам этган марказий ва ички йўлларини қуриш кўлами ва сифати йилдан-йилга ортиб бормоқда. Дунё андозаларига мос, кенг автомобиль йўлларини қуриш учун эса миллиардлаб маблағ, юзлаб ишчи кучи зарурлиги кундек аён ҳақиқат.

ТУМАНИМИЗНИНГ ҚОН ТОМИРЛАРИ

Соҳада амалга оширилаётган қатор саъй-ҳаракатлар ўтган йилда ўзининг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ўтган йиллар мобайнида қишлоқ массивларида уй-жойлар қурилиши билан биргаликда юзлаб километр газ, ичимлик суви тармоқлари, электр узатиш линиялари, асфальт йўллар қуриш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Айниқса, ҳудудда дуч келинаётган маҳаллий ва ички йўлларнинг абгор ҳолати, йиллар давомида фуқароларнинг арз-у додига сабаб бўлаётган муаммоларнинг аксарият қисми 2021 йилда бартараф этилгани туманимиз аҳолисининг юксак эътирофига лойиқ бўлди.

Ушбу саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми сифатида ёзда чанг, тупроқ, куз-қишда лой, балчиқ бўлиб, ҳам пиёдаларни, ҳам ҳайдовчиларнинг эътирозига сабаб бўлган “Олмазор” қишлоқ фуқаролари йиғинидаги 4Н 1228-Б автомобил йўлида ҳам 2022 йилнинг бошида қурилиш ишлари бошлаб юборилганди. Туман “Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси” қурувчилари томонидан амалга оширилаётган ушбу автомобил йўлининг қурилиши яқин кунларда якунланиш арафасида.

Давлат дастури асосида бошланган бундай хайрли ишлар албатта, халқимиз фаровонли-



гининг ошишига хизмат қилади. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида қишлоқда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, қишлоқларимиз киёфасини ўзгартириш мақсадида бошланган ва узоқ муддатга мўлжалланган эзгу ишларнинг ёрқин намунаси.

М.БЕКТОШ қизи.

Аҳолини рўйхатга олиш КАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Бу борада “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 5 февралдаги 5655-сонли фармони ҳамда шу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 710-сонли қарори қабул қилинган.

Рўйхатга олиш жараёнида тўпланадиган статистик маълумотлар ягона электрон ахборотлар тизимига киритилади. Яъни, бундан бу ёнига қозғозбозликдан воз кечиб, замонавий технологияларни жорий этишга эътибор қаратилади.

Рўйхатга олувчиларни танлаш ҳам энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки маълумотларнинг тўғрилигига бевосита айтиш улар масъул бўлади ва шакллантирилган маълумотлар реал бўлиши шарт. Бу жараёнга жалб этиладиган ходимлар ҳар хил ёшда ва касбда бўлиши, биринчи навбатда, Давлат статистика қўмитаси ва унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари ходимлари, статистика йўналишида тахсил олаётган талабалар, магистрлар, шунингдек, таянч докторантлар бўлиши мумкин.

Ёши ва касбидан қатъий назар, аҳолини рўйхатга олувчилар учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади ва зарурат туғилса, уларга қўшимча маслаҳатлар берилади. Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар амалдаги ҳужжатларга, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ белгиланади. Жараёни давлат бюджетидан маблағлари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига молиялаштириш кўзда тутилган.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга биноан, якуний маълумотларни уч тилда эълон қилиниши кўзда тутилган. Чора-тадбирлар дастурида аҳолини рўйхатга олиш натижаларини расмий чоп этиш, тарқатиш, ахборот билан таъминлаш ва эълон қилиш, аҳолини рўйхатга олишнинг дастлабки ва якуний маълумотларини архивда сақлашга тайёрлаш муддати 2025 йил 1 декабрга қадар, деб кўрсатилган.

Яъни, маълумотлар билан танишишнинг охириги чегара муддати белгиланган. Бироқ, агарда тезкор фаолият юритилса, ушбу муддатдан олдин ҳам эълон қилиш имконияти мавжуд.

Туман Статистика бўлими.

■ Давлат тили ҳақида

ЮТУҚЛАР СОЯСИДАГИ КАМЧИЛИКЛАР

(Давоми.

Аввали газетанинг 1-сониди)

Пештоқиға “36.6” деб номланган дорихонага кириб савдо қилдим ва сотувчи қиздан сўрадим:

- Синглим, дорихона пештоқидаги сонлар нимани англатади?

- Бу сонлар инсон ҳарорати, темпратурасига ишора. Бу янгилик дорихона мудирининг кашфиёти.

Ана янгилик, ана кашфиёт. Дорихона мудирига тасанно!

Ушанда 2013 йил эди. Фуқоролик паспортимни янгилаш вақти келганида ички ишлар бўлимига мурожаат қилдим. Исмимдаги “о” ва “а” ҳарфларини тўғри ёзилиши менга муҳимлигини таъкидладим. СССР паспортингизда исмингиз қандай ёзилган бўлса, шундай ёзилади, деган жавобни олдим.

Эътироз билдирмадим, тушунтирганим билан вазият ўзгармаслигини аниқладим. Собиқ иттифоқ пайтида туғилганлик ҳақидаги гувоҳномадаги “о” ва “а” ҳарфлари кейинчалик фуқоролик паспортимга, ўрта маълумот тўғрисидаги аттестатимга, ҳайдовчилик гувоҳномамга, олий ўқув юрти битирганлик тўғрисидаги дипломимга, меҳнат дафтарчамга, никоҳ қоғозимга кўчиб келяпти. Бундан ташқари, ташкилотларга бериладиган турли хил маълумотларда ҳам такрор-такрор сақланиб қолаяпти. Фуқоролик паспортимда хатolik бўлса уни ким тузатади? Саволимга жавоб йўқ. Холбуки, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида” ги Қонуннинг 15-моддасида “Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар ўз миллатидан қатъий назар ўз номини, ота исми ва фамилиясини миллий-тарихий аъналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар” деб ёзиб қўйилган.

Инсон дунёга келгач ота-оналар фарзандларига меҳр билан чиройли исм қўйишади. Бироқ инсонларнинг исми-шарифларини ҳужжатларга бузиб ёзиш оғир гуноҳ, дегим келади. Айниқса ёшлар ўз тенгқурларига Алиқ, Дилия, Толик, Антик, Муҳа каби ҳеч бир маънони англатмайдиган номлар билан мурожаат қилишлари нафақат она тилига, қолаверса рус тилига ҳам ҳурматсизлик эмасми? Оддийгина мисол “Муҳа” дегани “пашша” маъносини англатмайдими?

Бундай номбузарлик қилаётган ёшларга, тенгдошларининг ота-оналари фарзандларини суюб Алишержон, Дилоромжон, Толибжон, Аҳмаджон, Муҳаббатжон деб ном қўйишганини айтишни унутмаслигимиз керак.

Утган йили эди, чамамда. Узоқ маҳалларнинг бирида 79 ёшни қаршилаган Ёвқайтар исмли бутун умрини ҳалол меҳнати билан беазаган отахон оламдан ўтди. Уни сўнгги йўлга кузатаётган кексалар отахоннинг исмини ҳурмат билан тилга олишиб, то қабристонгача суҳбатлашиб бордилар.

1941-йил немис-фашист газандалари Ватанимиз тупроғига хиёнаткорона бостириб кирганида ота-онаси суюкли

фарзандига ёв ортига қайтсин, юрти-мизда тинчлик-тотувлик барқарор бўлсин, деган маънода мана шу табарруқ исми қўйишган экан.

Ха, ота-бувиларимиз фарзандларига қўйган исмларда жуда катта маънолар мужассамлашганини ҳар биримиз ҳам билавермаймиз, фаҳмлайвермаймиз.

Баъзи савдо дўконларига кирсангиз чиройли, турли хил зеру-забар берилган маҳсулотларни кўриб, ҳайратингиз ошади. Бироқ, уларга қўйилган номларчи? Салқин ичимлик маҳсулотига ёпиштирилган ёрлиқнинг номи жуда чиройли – сарбаст. Сарбаст – форс тожик тилида “боши боғлиқ” ёки “боши боғлиқ аёл” маъносини англатмайдими? Бундай оддий, аслида эса мураккаб хатоларни тўғирлаб чиқиш учун қанча вақт, қанча маблағ керак бўлади, дерсиз? Ҳеч қанча. Фақат масъулиятни сезиб, мулоҳаза билан ном қўйилса, олам гулистон. Бу эса она тилимизга бўлган ҳурмат ва эътиборнинг ёрқин бир намунаси бўлади.

Тилимизнинг ғариблашувида баъзан биз, ота-оналарнинг ҳам “ҳисса” ларимиз бор. Оилада сўзлар мағзи қақилиб тўғри талаффуз қилинса фарзандларимиз ҳам ҳар бир сўзнинг маъносини тушуниб етадилар. Бош кийимни “шапка”, енгил оёқ кийимини “тапочка”, шифокорни “дўхтир”, касалхонани “больница”, этикни “сапок”, бекатни “астановка”, ҳамширани “медсестра”, совутгични “кондитционер”, музлатгични “холодильник” дея сўзласак тилимиз софлигини сақлаб қолишимиз амри маҳол.

Давлат тилини нишонлаш мақсадида ташкил этилган катта бир йиғинда бўлдим. Тилшунос мутахассис “Она тилимиз софлигини ва унинг жозибадорлигини сақлаш – давр талаби” мавзусида маъруза ўқиди ва ҳаётини мисоллар келтирди. Ана шу 45 дақиқалик йиғинда нотиқ 39 марта рус тилидаги сўзларга ҳам “мурожаат” қилишга улгурди. Мажлис тугагач ўша мутахассисга учрашиб, дилимдагини тилимга чиқардим

- Укажон – деди “тилушнос домла” – Собиқ иттифоқ даври хатоси бу. Энди бу “привичка” бўлиб қолганда. Вақт ўтиб хатоимни албатта тузатаман. Оммовий ахборот воситаларининг асосий вазифаси тилимиздаги қусурларни тазалашдан иборат. Шу боисдан ҳам ҳар бир инсон ўзини, юртини, элини ҳурмат қилса давлат тилини эъзозлаган бўлади. Ҳазал мулкининг султони Алишер Навоий қаламига мансуб “Тилга эътиборсиз элга эътиборсиз” жумласига амал қилиб, она тилимизни софлиги учун ҳар биримиз масъулият билан курашсак, келажак авлод – фарзандларимиз учун жуда катта маънавий бойлик қолдирган бўламиз. Бу оддий ҳақиқатни унутишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Шопўлат ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар
ижодий уюшмасининг аъзоси,
Пахтакор педагогика коллежи
ҳодимлар бўлимининг
назоратчиси.

■ Янги йил саргузаштлари

Туманимизда ўқувчи ёшларнинг кишки таътил вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида 14-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабининг томошалар залида “Янги йил саргузаштлари” номли мусиқали спектакль намоиши бўлиб ўтди.

ПАХТАКОРЛИК ЁШЛАР ҲУЗУРИДА

Фулом Дархонов раҳбарлигидаги вилоят мусиқали драма театрининг 30 нафар актёрлари иштирокида маромига етказиб ижро этилган спектакль тумандаги маҳаллалардан ташриф буюрган 230 нафардан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари ва ўқувчи ёшлар қалбида ўчмас из қолдирди.

Муқаддас Мамадалиева қаламига мансуб асар асосида, режиссёр Умид Нурматов сахналаштирган ушбу спектаклнинг мазмун-моҳияти яхшилиқнинг ёмонлик устидан доимо ғалаба қозониши жиҳатидан ҳам иштирокчилар учун муҳим аҳамият касб этди.

Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Олия Эштўхтарова, Рая Абдуллаева, Жамила Дехқоновалар, шунингдек, актёрлар Розия Эғликова, Гулчехра Бегимова, Ҳамроз Махмудов, Тохир Норматовларнинг чиқишларини болажонлар қувонч билан қарши олдилар. Айниқса, Қорбобо - Бахтиёр Эшматовни, Билагон қуёнча - Жасур Ҳазратқуловни, Қора олов - Ўлмасжон Илҳомовни, Қорқиз - Дилнавоз Олтибоевани, Йўлбарс - Сарвар Мустановни, Ялмоғиз - Фаррух Исмоиловни, Безори - Санжар Мустаповни, Безорининг шериги - Дилшод Норматов каби эртак қаҳрамонларининг сахнадаги ижросини болажонлар бутун диққат-эътибори билан томоша қилдилар. Театр жамоасининг Жавлон Исоев, Наргиза Мирзаева, Бахтиёр Ҳол-



матов, Элдор Кенгашев, Бобир Мамажонов каби маҳоратли аъзолари ҳам ўз ижролари билан болажонларнинг кишки таътиллари мароқли ўтказишлари учун ташкил этилган тадбирга самарали ҳисса қўшдилар.

Юқори савияда, яхшилиқ билан яқунланган томоша сўнггида болалар Қорбобо ва барча эртак қаҳрамонлари билан маза қилиб рақсга тушдилар.

Меҳринисо ХОЛМУРОВА,
туман маданият марказининг
бадий раҳбари.

Суратларда: тадбир жараёнидан лавҳаларни кўриб турибсиз.



..... Табиий ва суюлтирилган углеводород газ истеъмолчилари диққатига!

ҲОЙДАЛАНИШ ҚОЙДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Ҳурматли туманимиз фуқаролари! Кейинги кунларда айрим фуқаролар томонидан “Газ ҳўжалиги хавфсизлиги” ва “Ёнғин хавфсизлиги” қойдаларига риоя қилмай табиий ва суюлтирилган углеводород газидан фойдаланишлари оқибатида ноҳуш ҳолатлар содир бўлмоқда. Ана шундай фалокатларнинг олдини олиш мақсадида белгиланган қойдаларга қатъий амал қилишингиз сўралади. Аввало:

- Хонада газ ҳидини сезсангиз газ плитасидаги ва иситиш қозонидаги жўмрақларни беркитинг, дераза ва эшикни очиб, хонани шамоллатинг, ёниб турган ёритгичларни ўчирманг, ўчирилган бўлса, ёқманг.
- Ёнғин содир бўлганда дарҳол 101 ва 104 қисқа рақамларига ёки 72 353-10-04 рақамига қўнғироқ қилинг.
- Рухсатсиз газ тармоқлари ва қурилмаларга тегинманг.
- Ўзбошимчалик билан хонадонингизга янги газ ускуналарини ўрнатманг. Мавжуд газ ускуналарининг ўрнини ўзгартирманг.
- Газ ускуналари ўрнатилган хонанинг (дудбурун) тутун йўлини тўсиб

қўйманг. Ҳар йили дудбурунларни кўрикдан ўтказинг.

- Қиш мавсуми олдида дудбурунларни (ЁҚҚЖ) ёнғинга қарши кураш жамияти назоратидан ўтказинг.

- Газ ускуналарини ёниқ ҳолатда назоратсиз ва қаровсиз қолдирманг.

- Газ плитасидан ванна хонасини иситиш учун фойдаланиш қатъият ман этилади.

- Вояга етмаган фарзандларингизни газдан фойдаланишига йўл қўйманг. Уларни газ яқинига йўлатманг.

- Хоналарни иситиш мақсадида қўлда тайёрланган ҳар хил ностандарт газ печлари ва ясама газ сўргич (насос)ларидан фойдаланиш қатъиян ман қилинади.

- Носоз маиший газ баллонларидан фойдаланманг! Уларни қуёш нури тушиб турадиган жойларда ҳамда ертўлада сақламанг.

- Газ баллонларини очиқ жойда махсус яшиқларга ўрнатиб, металл қувурлар орқали газ плитасига улаб, сўнг фойдаланинг.

- Суюлтирилган маиший газ баллонларининг нархи бўйича “Пахтакортумангаз” газ таъминоти филиалига мурожаат этинг.

Сиз юқоридаги қойдаларга риоя қилсангиз, ҳар хил қутилмаган фалокатлардан аввало ўзингизни, хонадонингизни ва мол-мулкингизни сақлаган бўласиз.



Комил ФАЙЗИЕВ,
“Пахтакортумангаз” газ
таъминоти бўлимининг СХ ва ММК
етақчи муҳандиси.
Ғайрат СИРЛИБОВ,
“Аҳоли хонадонлари ва улгуржи
ташкilotларнинг маиший газ
ускуналарини таъмирлаш
хизмати” бўлимининг бошлиғи.

■ «Sportni sev, sport bilan yasha!» ■

FUTBOL MUSOBAQASI

Dushanba kuni «Do'stlik» mahalla fuqarolari yig'ini hududida joylashgan 2-umumta'lim maktabining sun'iy qoplamali kichik futbol maydonida o'quvchi yoshlarning qishki ta'til kunlarini maroqli o'tkazishni ta'minlash maqsadida «Sportni sev, sport bilan yasha!» shiori ostida musobaqa bo'lib o'tdi.

Tumandagi mavjud maktablarning 180 nafardan ziyod o'quvchi yoshlari o'rta-sida qizg'in va murosasiz kurashlarga boy tarzda sportning futbol turi bo'yicha tuman Bolalar va o'smirlar sport maktabi mutasaddilarining tashabbusi bilan o'tkazilgan musobaqada I o'rinni 31-ixti-soslashtirilgan Davlat umumta'lim mak-tabining charm to'p sohiblari egalladilar. II o'rinni 1-umumta'lim maktabining fut-bolchilari qo'lga kiritishdi. 9-umumta'lim maktabi futbol jamoasi esa III o'rin bilan kifoyalanishdi. G'oliblar tadbir tashkilot-chilarining diplom hamda esdalik sovg'alari bilan taqdirladilar.



VOLEYBOL

14-yanvar «Vatan himoyachilari kuni» bayrami munosabati bilan «Sportni sev, sport bilan yasha» shiori ostida sportning «Volleybol» turi bo'yicha musobaqa o'tkazildi.

200 nafardan ortiq uyushmagan yoshlardan iborat voleybol ishqibozlari ishtirok etgan musobaqada 1-o'rinni «Olmazor», 2-o'rinni, «Oqbulok», 3-o'rinni esa «Do'stlik» mahalla fuqarolari yig'ini vakillari egalladilar.

O'z muxbirimizdan.

■ Haqiqatga aylangan yolg'on

Kapalak

Umidjon endigina 5 yoshga to'lgan bo'lsa ham juda aqlli, mehribon va quvnoq bo'lganligi uchun ko'pchilikning ko'nglidan joy olgan edi.

U har kuni bobosi Usmon ota aytgan ertak va hikoyalarni jim o'tirib, jon qulog'i bilan tinglar va o'sha ertaklar olamida yashardi. Ayni paytda Umidjon ham bir-biridan qiziqarli, kutilmagan savollar bilan bobosini kuldirdir va ba'zida boshini achitib yuborardi.

Bir kuni qo'shni bolalar bilan ariq bo'yida o'ynab o'tirgan Umidjonning ko'zi gulga qo'nib turgan chiroyli, havorang kapalakka tushdi. Kapalakni ko'rgan tengqurlari ham uni tutmoqchi bo'lib, quvalab ketishdi, ammo tuta olishmadi. Umidjon yugurib hovliga kirdi va bog'da yer chopayotgan bobosi Usmon otadan kapalaklar haqida so'radi. Usmon ota belidagi belbog'ini yechib, peshonasidagi terni artdi va astagina yerga cho'kkalab o'tirarkan- Bolajonim, kapalakni qaerda ko'rding, deb so'radi.

-Ko'chada, gulga qo'nib turgan ekan, bolalar uni tutmoqchi bo'lib quvib ketishdi, dedi Umidjon. Usmon ota shoshilmay astagina gap boshladi. Umidjon, o'g'lim, kapalaklar juda nozik va chiroyli hashorat hisoblanadi. Ular gullarni juda yaxshi ko'radi va bir kungina yashaydi. Sening chaqaloq ukang bor edi-ku..., deya biroz turib qoldi.

Umidjon:- Ha, farishtaga aylanib osmonga uchib ketgan Qodirjon ukam-mi, deya so'radi katta-katta munchoq-dek, tim qora ko'zlarini bobosiga qadab.

- Haaaa, deya og'ir ho'sriniq aralash javob berdi unga Usmon ota.

Umidjonning ukasi Qodirjon 3 yoshi-da qizamiqqa chalinib, dunyodan o'tgan edi.

Usmon ota Umidjonning boshini silagancha: - O'sha ukang seni, meni, ayangni, dadajoningni ko'rgani kapalakka aylanib uchib kelgandir bolajonim,-deb ohista jilmaydi va ko'zyoshini yashirish uchun ko'zlarini olib qochdi.

- Bobojon, bobojon nega ko'zlaringiz yoshlandi....yig'layapsizmi, yig'lamang bizni ko'rgani Qodirjon ukam ertaga ham keladimi, deya, oppoqqina, do'mboqqina qo'lchalari bilan bobosining yuzida yumalagan yoshlarni artdi.

-Ehtimol, deganicha Usmon ota ham nabirasini bag'riga bosdi.

-Bobojon kapalaklar nega bir kun yashashadi, so'radi Umidjon.

-Chunki ularga bizni kelib ko'rib ketishi uchun bir kun vaqt beriladi-da bolam, dedi Usmon ota.

-Boshqa kelishmaydimi, ularni qo'l bilan ushlab bo'ladimi, yana so'radi Umidjon.

-Kelishadi, erta bahorda, ularni ushlab bo'lmaydi, qo'rqib ketishi mumkin, deya nabirasini ishtontirdi Usmon ota. Shu kundan boshlab Umidjon har kuni ariq bo'yiga chiqib, ukasi Qodirjonning kapalakka aylanib kelishini kutadigan bo'ldi. Qo'shni bolalar o'yin-kulgi bilan band, Umidjon esa ariq labida ochilgan gullarga tikilganча kapalakni izlardir. Shunday kunlarning birida bolajonlar yana kapalak-kapalak deb qiy-chuv qilishdi Umidjon yalt etib ular tomon-

ga qaradi va yugurdi. Umidjon yetib borib ne ko'z bilan ko'rsinki, bolalar qo'lida qo'lma-qo'l bo'lib, qanotidagi qizil-sariq naqshlari o'chib ketgan havorang kapalak jonsiz yotardi.

Qo'shni bolalarining ichida eng kichigi bo'lgan Umidjon, qo'lga eng oxirida kelib tekkan o'lik kapalakni tutgancha karaxt bo'lib qoldi va bir ozdan so'ng o'ziga kelib, yig'lab yubordi.

Bobojon, bobojon, deya uzuq-yuluq gapirgancha, so'rada achchiqqina choy ichib o'tirgan bobosining yoniga o'qdek uchib keldi va munchoq ko'zlaridan mar-jondek yumalayotgan yoshlarini tiyolmay, qo'lidagi kapalakni bobosiga uzatdi.

- Qarang, Qodirjon ukam bizni ko'rgani kelgan ekan bolalar uni ushlaymiz deb o'ldirib qo'yishdi.

Usmon otaning ichida nimadir chirt etib uzildi. Peshonasini sovuq ter bosdi. Nabirasining qo'lidagi kapalakni olib yaktaning yengiga yashirdi. Ie, bu kapalak o'lmagan ekan, ana, ana yana uchib ketdi deb, Umidjonni ko'tarib oldi.

Umidjon yoshli ko'zlarini osmonga qadagancha, - Bobojon ukam bizni ko'rgani yana keladimi,-deya so'radi. Ha, albatta, ukang bizni ko'rgani har bahorda gullar ochilganida keladi, deb Umidjonni yupatdi Usmon ota. Nabirasini yupatishga yupatdi-yu ko'ngli muzlab ketdi. Negayam kapalak ukang deb aytdim-a, bolajonimni qiynab. Axir bu yolg'onku, bu yolg'on qayoqdan keldi hayolimga deb, o'z-o'zini kuydi. Va ehtimol rostdan ham shundaydir... degan hayolga ham tutqun bo'ldi.

Inson ulug' yoshga yetib, keksaygani sari huddi yosh boladek sodda, biroz injiq, ishonuvchan bo'lib qoladi, deyishgani shudir, ehtimol. Usmon ota ham tasodifan hayoliga kelgan gapni aytib, nabirasi Umidjonni qiynab qo'yganidan afsuslan-sada, 3 yoshidayoq esini tanib ulgurmay vafot etgan nabirasi Qodirjonning ruhi kapalakka aylanib yaqinlarini ko'rishga kelganiga juda-juda ishongisi kelardi.

Zulayxo ALIEVA.

E'LOMLAR


MEROSXO'RLAR
DIQQATIGA

Tuman Davlat notarial idorasida marhum Sayfuddinov Mahmud (2021 yilning oktyabr oyida vafot etgan) ga qarashli mol-mulk masalasida meros ishi ochildi.

Ana shu mol-mulk masalasida biror fikr yoki taklif bo'lsa merosxo'rlar tuman Davlat notarial idorasiga murojaat etishlari mumkin.

Tuman Davlat notarial idorasida marhum Jumaev Isomiddin Tusunmuxammatovich (2020 yilning aprel oyida vafot etgan)ga qarashli mol-mulk masalasida meros ishi ochildi. Ushbu mol-mulk masalasida biror taklif yoki fikr bo'lsa merosxo'rlar tuman Davlat notarial idorasiga murojaat etishlari mumkin.

Tuman Davlat notarial idorasida marhum Berdimuradov Tusunboy Sattievich (2020 yilning sentabr oyida vafot etgan)ga qarashli mol-mulk masalasida meros ishi ochildi. Ushbu mol-mulk masalasida biror taklif yoki fikr bo'lsa merosxo'rlar tuman Davlat notarial idorasiga murojaat etishlari mumkin.

So'z ko'rki -
maqolДУШМАНГА НАФРАТИ
БЎЛМАГАННИНГ ВАТАНГА
МУҲАББАТИ БЎЛМАС.

■ Kichkintoylar davrasida

MEN ASKAR
BO'LAMAN

Tumandagi «Chamanzor» qishloq fuqarolari yig'inida joylashgan YU.Xudoyberdieva rahbarligidagi 14- Davlat maktabgacha ta'lim tashkilotida «Vatanparvarlik oyligi» doirasida madaniy-ma'rifiy tadbir o'tkazildi.

Ona Vatanimiz madhiyasi bilan boshlangan «Men askar bo'laman» mavzusida bo'lib o'tgan tadbirda harbiy kiyimdagi jaji shirintoylarning ona yurtimizni tarannum etuvchi kuy va qo'shiqlari ishtirokchilarga bayramona quvonch va shodlik baxsh etdi.

Kelajagimiz egalari bo'lgan yosh avlod qalbida ijtimoiy ko'nikmalarini rivojlantirish hamda sog'lom turmush tarzini shakllantirish maqsadida o'tkazilgan ushbu anjuman barcha tarbiyalanuvchilarda Vatan himoyachilariga bo'lgan mehr-muhabbatini yanada kuchaytirdi.

Tadbirda tashkil etilgan kurash va milliy o'yinlar musobaqasida faol ishtirok etgan va g'olib chiqqan bolajonlar tashkilotchilarning esdalik sovg'alari bilan taqdirladilar.

Fotima BURXONOVA,
14-sonli bolalar musiqa va san'at maktabi direktorining o'quv ishlari bo'yicha o'rinbosari.

DO'STLAR TA'ZIIYASI

Taniqli jurnalist, ilk ijodiy faoliyatini «Paxtakor hayoti» tahririyatida boshlagan, «Shuhrat» medali sohibi

KAMOLOV TURSUNBOY
NABIXO'JAEVICH

ning vafoti munosabati bilan, marhumning oila a'zolariga va yaqinlariga ta'ziya izhor etamiz.

«Paxtakor hayoti» gazetasi jamoasi.

E'LON

Paxtakor tumani hududida faoliyat yuritayotgan barcha maktabgacha ta'lim muassasalari tomonidan 1-maktabgacha ta'lim shakli yillik hisobotini 2022 yilning 18 yanvaridan kechiktirmasdan estat-4 dasturi orqali elektron tarzda taqdim etishlari so'raladi.

Hisobot taqdim etmaslik yoki belgilangan muddatdan kechikib taqdim etish O'zbekiston Respublikasining «Ma'muriy javobgarlik to'g'risida»gi kodeksning 215-moddasiga asosan ma'muriy javobgarlikka tortilishiga sabab bo'lishini ma'lum qilamiz.

Tuman Statistika bo'limi
Tel: 72-353-13-18

«PAXTAKOR
HAYOTI»

Tahririyat manzili:

130900. Paxtakor shahri.
Yunus Rajabiy ko'chasi, 2-uy.
Telefon: (72) 353-11-58

Nashr indeksi - 3512

Bosh muharrir v.v.b.
Maxfirat TO'XTASHEVA

Musahhih: D.TOSHPOLATOV

Gazeta 2006 yil 25 dekabrda Jizzax viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 06-010-sonli raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Rastr Plyus Print» mas'uliyati cheklangan jamiyat bosmaxonasida ofset usulida bosildi.
Manzil: 130100. Jizzax sh.
Sayiljoyi ko'chasi, 4-uy.

Bosishga berildi: 13.01.2022 yil
soat 16-00.
Bosildi: 21.12.2021 yil.
Buyurtma №
Adadi nusxa.
Qog'oz bichimi - A3